



ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШНИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.,

Абдувоҳидов Нажмиддин Раҳматуллаевич

Самарқанд ИСИ мустақил изланувчиси, Самарқанд вилояти солиқ бошқармаси ходими

АННОТАЦИЯ

мақолада мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий драйвери бўлган хизмат кўрсатиш соҳасида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилганлигига қарамасдан, ушбу тармоқда ҳамон яширин иқтисодиёт ҳажми юқори даражада сақланиб қолаётганлиги қайд этилган. Ушбу соҳанинг бозорга мослашувчанлик даражасининг қулайлиги, ҳамда товар ва хизматларнинг нақд пулда реализация қилиш имконияти юқорилиги мазкур соҳада яширин иқтисодиёт учун ҳам яхшигина имконият эканлиги қайд қилинган. Мазкур соҳада яширин иқтисодиётга қарши курашиш лозимлигидан келиб чиқиб, Самарқанд вилоятида ушбу масаланинг айрим кўринишлари тадқиқ қилиниб, уларни олдини олиш ва бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: яширин иқтисодиёт, хизматлар соҳаси, рақамли иқтисодиёт, хизматларни рақамлаштириш, норасмий бандлик, якка тартибдаги тадбиркор, ўзини- ўзи банд этиш, солиқ имтиёзлари.

АННОТАЦИЯ

В статье отмечается, что, несмотря на реализацию ряда позитивных мер в сфере услуг, являющейся одним из основных драйверов экономики нашей страны, в данной отрасли по-прежнему сохраняется высокий уровень теневой экономики. Подчеркивается, что высокая степень адаптивности данной сферы к рыночным условиям, а также широкие возможности реализации товаров и услуг за наличный расчёт создают благоприятные условия для существования теневой экономики. Исходя из необходимости противодействия теневой экономике в сфере услуг, на примере Самаркандской области исследованы отдельные проявления данной проблемы, а также разработаны предложения и рекомендации по их предупреждению и устранению.

Ключевые слова: теневая экономика, сфера услуг, цифровая экономика, цифровизация услуг, неформальная занятость, индивидуальный предприниматель, самозанятость, налоговые льготы.

MAIN DIRECTIONS FOR ELIMINATING THE HIDDEN ECONOMY IN THE SERVICE SECTOR

ABSTRACT

The article notes that despite the implementation of a number of positive measures in the service sector, which is one of the main drivers of the national economy, the volume of the shadow economy in this sector remains high. It is emphasized that the high level of adaptability of the service sector to market conditions, as well as the widespread possibility of selling goods and services for cash, creates favorable conditions for the existence of the shadow economy. Based on the need to combat the shadow economy in the service sector, certain manifestations of this problem in the Samarkand region are examined, and proposals and recommendations are developed to prevent and eliminate them.

Keywords: shadow economy, service sector, digital economy, digitalization of services, informal employment, individual entrepreneurship, self-employment, tax incentives.

КИРИШ



Мавзунинг долзарблиги. Яширин иқтисодиёт дунё митқёсида салбий жараён сифатида баҳоланиб келинмоқда. Чунки унинг жуда кўп салбий оқибатлари мавжуд. Эътибор қилсак, 2025 йил 7 февраль куни Президентимиз томонидан ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда ўтган йиллар давомида хизматлар соҳасида амалга оширилган ишлар танқидий баҳоланиб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, ўтган уч йил давомида сервис соҳасида кўшимча 1,5 миллион аҳоли доимий даромадга эга бўлганлиги, хизматлар ҳажми 2018 йилдаги 19,0 млрд доллардан 65,0 млрд долларга ошганлиги, айниқса, ахборот технологиялари, молиявий хизматлар, туризм, авиация, таълим ва тиббиёт соҳаларида “катта сакраш” рўй берганлиги қайд этилди. Бу йил хизматлар ҳажмини 65,0 млрд доллардан, 82,0 млрд долларга, хизматлар экспортини эса 8,5 млрд долларга етказиш, соҳада 2,5 млн фуқароларимизни даромадли қилиш мўлжалланган.

Молиявий хизматлар ҳажмини 30 фоизга ошириш кўзда тутилган. Маҳалла банкирлари иш бошлаб, аҳолига яқинлаштирилгани бунда кўшимча имкониятларнинг пайдо бўлганлигидан далолат беради. Хусусан, одамлар кўп мурожаат қиладиган кадастр, солиқ, адлия маълумотларини банкларнинг ахборот тизими билан боғлаш хизматлар ҳажмини ошириши кўрсатиб ўтилди.

Икки йил олдин савдо ва хизматлар соҳасидаги корхоналарга ижтимоий солиқ 1 фоиз этиб белгиланган эди. Ўтган даврда корхоналар сони 1,5 карра ошган. Муҳими, кўп тадбиркорлар “соя”дан чиқиб, ойлик маошни тўғри кўрсатишга ўтгани натижасида иш ҳақи 3,2 карра кўпайиб, кўшимча 2,1 трлн сўм солиқ тушган. Буларни инобатга олиб, мазкур имтиёз муддатини яна уч йилга узайтириш таклифи маъқулланди. Энди, бу имтиёз сервис корхоналарининг камида 3 млн сўм ойлик оладиган 30 ёшгача бўлган ишчиларига қўлланади. Давлатимиз раҳбари масофавий хизматлар экспортини янги босқичга кўтариш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун хорижий давлатлардаги хизматлар бозори ва талабларни ўрганиб, шунга мос мутахассислар тайёрлаш вазифаси ҳам қўйди.

Хусусан, жорий йилда ИТ хизматлари ҳажмини 30 фоиз ўстириб, 80,0 трлн сўмдан, экспортини 1,0 млрд доллардан ошириш имконияти борлиги айtilди. Ҳудуд ва тармоқлардаги хизматларни рақамлаштириш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди (1).

Ўзбекистон Олий мажлиси Сенатининг 2024 йил 18 декабрда бўлиб ўтган ялпи мажлисида Солиқ қўмитаси раиси ўринбосари ахборотида 2025 йилда иқтисодиётнинг “соя”дан чиқариш эвазига давлат бюджетига 20,0 трлн сўм кўшимча солиқ ва тўловлар ундириш кўзда тутилаётганлиги тўғрисида ахборот берди. Шу орқали 2030 йилгача яширин иқтисодиёт ҳажмини икки баробарга қисқартириш кўзда тутилган (2).

2024 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги томонидан яширин иқтисодиёт ҳажми статистик баҳоланди, унга кўра, мамлакатимизда яширин иқтисодиёт ҳажми 2023 йилда 100,0 трлн сўмга яқинлашганлиги, бунинг 80 фоиз улуши хизматлар соҳасига тегишли эканлиги қайд этилган (3).

Самарқанд вилояти солиқ идоралари маълумотлар базаси асосида таҳлил қилинганда, вилоятимизда хизмат кўрсатиш тармоқларида 2025 йил 1 январ ҳолатига жами фаолият кўрсатаётган юридик шахс мақомида субъектлар сони 24317 (ишчилари сони 370435 нафар)га, Якка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ) мақомидаги субъектлар сони 43151 та, шу тармоқда ўзини-ўзи банд қилган фуқаролар сони 346184 нафарни ташкил этмоқда. Вилоятимизда хизмат кўрсатиш тармоқларида жами расмий банд фуқароларимиз сони 759770 нафарни ташкил этмоқда.



Охирги уч йилда хизмат кўрсатиш тармоқларида фаолият кўрсатувчи юридик шахсларда ишчилар сони 18000 нафарга ошган бўлса, ушбу тармоқдаги ЯТТлар сони 32244 нафарга, хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи ўзини-ўзини ўзи банд қилганлар сони эса 344573 нафарга ошди.

Юқоридаги рақамлар шундан далолат берадики, охирги йилларда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги субъектларга берилган солиқ имтиёзларини қўлланиши ҳамда норасмий бандликни бартараф этиш борасида белгиланган стратегияга мувофиқ олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида вилоятда қўшимча 394817 нафар фуқароларимиз расмий бандлиги таъминланди.

2022 йилда вилоятда хизмат кўрсатиш соҳасида 49563 нафар фуқаро ўзини-ўзи банд этган бўлса, 2024 йил бу кўрсаткич 165087 нафарни ёки 2022 йилга нисбатан 3,3 баробарга кўпдир. Худди шунингдек ЯТТ бўйича 2022 йилда 8471 та рўйхатдан ўтган бўлса, 2024 йилда ушбу тармоқда 14090 та ёки 1,6 баробарга кўп ЯТТ давлат рўйхатидан ўтказилган(4). Ваҳоланки мамлакатимизда 2023 йил 1 апрел ҳолатига норасмий секторда 5,6 млн нафар фуқароларимиз банд бўлса, 1,8 млн нафар фуқароларимиз чет элга ишлаш учун чиқиб кетганлиги (5), бу борада қилиниши лозим бўлган вазифалар қўламини белгилаб беради.

Халқаро миқёсда яширин иқтисодиёт қўламини энг паст кўрсаткични ташкил этувчи давлатлардан бири бўлган Сингапурда расмий сектордаги ишчиларни ҳар томонлама қамраб олувчи яхши ривожланган ижтимоий ҳимоя тизими мавжуд. Соғлиқни сақлаш, пенсия жамғармалари (Марказий таъминот жамғармаси) ва ишсизлик суғуртаси каби имтиёзлардан фойдаланиш расмий бандлик билан боғлиқ бўлиб, ишчилар ва иш берувчиларни расмий иқтисодиёт доирасида ишлашга рағбатлантиради(6).

Мамлакатимизда ҳам ушбу халқаро миқёсдаги ижобий тажрибалардан кенг фойдаланишимиз лозим. Бу чора-тадбирларни барчаси вилоятимизда хизматлар соҳасида яширин иқтисодиёт қўламини қисқартириш ва иқтисодиётини ривожланиш билан биргаликда, фуқароларимизнинг меҳнат ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминланишига хизмат қилади.

Норасмий иқтисодиётда банд аҳолини камайтириш муаммоси кўплаб ривожланаётган давлатларда ҳам мавжуд. Бунга эришишнинг бир қанча самарали йўллари қўлламоқда. Чунки, ушбу иқтисодиётни камайтириш орқали давлат бюджети даромадлари ошади, меҳнат бозори расмийлашади, ҳамда ижтимоий кафолатлар яхшиланади. Шу туфайли қуйида норасмий иқтисодиётни камайтириш масаласи бизда ҳам долзарб

масалалардан биридир. Ушбу тадбирларнинг айрим йўналишлари қуйидагилардан иборат: Биринчидан, солиқ тизимини соддалаштириш ва адолатли қилиб, солиқ юқини камайтириш ва уни тўлашни осонлаштириш учун тўлиқ рақамли тўлов тизимига ўтиш лозим. Солиқ тўловчилар учун имтиёзлар ва рағбатлар яратиш, уларни кенгрок қамраб олиш учун самарали мониторинг тизимларини жорий этиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, мазкур соҳада рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш орқали нақд пулдан фойдаланишни камайтириш (масалан, электрон тўловлар, QR-код орқали савдо) лозим. Бунинг учун иқтисодий фаолиятларни рақамлаштириш, яъни онлайн кассалар, бухгалтерия дастурлари ва электрон ҳисоботларни жорий қилиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, меҳнат бозорини расмийлаштириш учун ишчиларни расмий шартнома асосида ишга олишни мажбурий қилиш, расмий иш берувчилар учун рағбатлар, яъни субсидиялар, солиқ имтиёзлари, бепул малака ошириш курслари кабиларни янада кенгрок жорий қилиш ҳам мақсадга мувофиқ. Шунингдек, норасмий иш берувчиларга жазо чораларини қўллаш ва назоратни кучайтириш ҳам объектив заруриятга айланмоқда.



Тўртинчидан, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, уларнинг рўйхатдан ўтиш жараёнини янада енгиллаштириш ва арзонлаштириш, бизнесни бошлаш учун молиявий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, яъни турли стартаплар учун грантлар, маслаҳат марказларини ташкил қилиш ҳам лозимдир. Кичик бизнесга давлат буюртмалари ва тендерларда иштирок этиш имкониятини яратиш ҳам масаланинг бир ечимидир.

Бешинчидан, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш билан бирга норасмий ишлашнинг хавфлари ва расмийлаштиришнинг афзалликлари ҳақида жамоатчиликка тушунтириш ишларини олиб бориш ҳам аҳамиятли. Шу йўл билан иш берувчининг масъулиятини ошириш ва ишчиларнинг маданиятини шакллантириш ҳам мумкин бўлади.

Олтинчидан, ҳуқуқий тизимни мустаҳкамлаш ва коррупцияга қарши курашишни янада кучайтириш учун норасмий фаолиятни аниқлаш ва жазолаш бўйича қонунларни кучайтириш, давлат органларининг фаолиятида шаффофликни ошириш ҳам мақсадга мувофиқ. Мухими, коррупцияни камайтириш учун тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ҳам лозим бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги тадқиқот иши давомида қилинган таҳлиллардан келиб чиқиб, мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш тармоқларида яширин иқтисодиёт кўламини камайтириш юзасидан қуйидаги таклифларни билдираман:

-бугунги кунда амалиётда масъул идоралар томонидан иш билан банд бўлмаган фуқароларни сунъий равишда ўзини-ўзи банд қилиш (онлайн электрон тизим орқали) ҳолатлари кузатилмоқда, бу амалиётдан тўлиқ воз кечиш керак;

-ўзини-ўзи банд қилган фуқароларимизни даромад олишини мониторинг қилиш тизими мавжуд эмас, бу уларнинг даромади солиқ даврида тегишли суммага етгандан сўнг солиққа тортишда муаммоларни келтириб чиқаради, шунинг учун бу тизимни замоновий назорат механизми яратилиши лозим;

-хизмат кўрсатиш тармоқлари корхоналари учун солиқ имтиёзлари ва тўланган солиқ суммаларини бир қисмини бюджетдан қайтариб бериш бўйича берилган енгилликларни кенг тарғиб қилиш орқали ушбу тармоқдаги яшириш иқтисодиёт кўламини қисқартириш;

-ОАВлари орқали норасмий банд фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқи, ижтимоий(пенсия, тиббий хизмат, компенсация тўловлари), дам олиш ва бошқа ҳуқуқлари чекланганлигини ва буни бартараф этишни тарғиб қилувчи ахборотлар доимий равишда эълон қилиниб борилиши ва эфирга узатилиши лозим, шу орқали халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси ошади.

Юқоридаги таклифларни амалга оширилиши, хизматлар соҳасидаги яширин иқтисодиёт ва унинг бир кўриниш шакли бўлган норасмий бандлик даражасини камайишига олиб келади, бу эса мамлакат иқтисодиётини ривожланиши халқнинг турмуш даражасини кўтарилишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий сайти- Воқеалар/мажлислар/ бўлимида “Хизматлар соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди”- 07.02.25;
2. <https://www.spot.uz/ru/2024/12/19/shadow-economy>;
3. <https://www.spot.uz/ru/2024/08/06/shadow-economy>;
4. Самарқанд вилояти солиқ бошқармаси маълумотлар базаси асосида муаллиф томонидан тайёрланган маълумот асосида;
5. Пардаев М.Қ. Иқтисодиёт таҳлил назарияси. Дарслик. 4-нашр.
6. Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2024. – 588 бет.
7. Пардаев М.Қ., Абдувоҳидов Н.Р.,-”Хизматлар соҳасида норасмий бандликни бартараф этиш орқали яширин иқтисодиёт кўламини камайтиришнинг айрим йўналишлари”-“Яшил



иқтисодиётда инновацион ва инвестицион фаолиятни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги анжуман материаллари тўплами, 252-бет, Самарқанд ИСИ- 2024, ISBN:978-9910-702-01-3;

8. Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Мурод Муҳаммедович Муҳаммедов. Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари. // Сервис илмий-амалий журнал. 2024 йил 4/2-сони. – 5-10 бетлар. – 0,5 б.т.

9. Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусовна Пардаева, Мирзо Улуғбекович Болтабоев. Меҳнат бозори трансформациясида — юмшоқ кўникмалар ва ижтимоий ҳимоянинг аҳамияти. // Сервис илмий- амалий журнал. 2024 йил 4/2-сони. – 63-67 бетлар. – 0,4 б.т.

10. Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Обид Мамаюнусович Пардаев, XX1-асрда шаклланган янги иқтисодиётлар таркибида креатив иқтисодиётнинг принциплари турларининг назарий масалалари. // Сервис илмий-амалий журнал. 2024 йил 4/1-сони. – 5-10 бетлар. – 0,5 б.т.

11. Алимардонов Ғ.Н. “Норасмий иқтисодиётга қарши кураш бўйича халқаро тажриба”- “Солиқ ва ҳаёт” электрон журнали, 2023 йил 3-сон, 88- бет.